

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ БОБИР ТОХИРОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚ ШАРОИТИДА
ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ (*Ribes aureum* Pursh) НАВЛАРИНИ
АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЎЧАТЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on agricultural sciences**

Ибрагимов Бобир Тохирович

Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат (*Ribes aureum* Pursh) навларини агробиологик хусусиятлари ва кўчатларини етиштириш технологияси 3

Ибрагимов Бобир Тохирович

Агробиологические особенности сортов смородины золотистой (*Ribes aureum* Pursh) и совершенствование технологии выращивания саженцев в условиях среднесоленных почв Бухарской области..... 21

Ibragimov Bobir Toxirovich

Agrobiological characteristics of golden currant (*Ribes aureum* Pursh) varieties and improvement of seedling cultivation technology in the moderately saline soils of Bukhara region..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМIIЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМIIЙ
КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМIIЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ БОБИР ТОХИРОВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚ ШАРОИТИДА
ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ (*Ribes aureum* Pursh) НАВЛАРИНИ
АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЎЧАТЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2026.1.PhD/Qx1687-рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик (PhD) Диссертацияси Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Ҳилола Равшановна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кожаметов Советбек Кожаметович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Қурбонмуродов Акбар Чориевич
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил 20 май соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (556247-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 2605043).

Диссертация автореферати 2026 йил 07 май куни тарқатилди.
(2026 йил 07 апрелдаги 27-рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Асатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д. профессор

М.З.Холмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д. доцент

С.А.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Олтинсимон қорағатнинг ватани Шимолий Америка бўлиб, дунё бўйича қарийб 750 минг тонна ялпи ҳосил етиштирилади. Қорағат (*Ribes L.*) етиштириш бўйича “Россия Федерацияси етакчи бўлиб ҳар йили (531 минг тонна), Польша (130 минг тонна), Англия (15 минг тонна), Франция (13 минг тонна), Германия эса (12 минг тонна). Ўзбекистонда эса қарийб (2 минг тонна)га яқин маҳсулот етиштиради”¹. Бунга асосий сабаб сифатида юқори ҳосилдор ва турли тупроқ шароитларга чидамли навларнинг етарли даражада эмаслигидир. Олтинсимон қорағат мевасининг ширин таъми, витамин ва минералларга бойлиги, турли хил касалликларга шифобахшлиги ҳамда вегетация даврида гулларининг ўзгача чиройи ва хушбўй хидига эгаллиги, манзаралилик жиҳатдан бошқа резавор мевалар ичида алоҳида ўрин эгаллаб туради.

Жаҳонда Россия, Польша ҳамда Европанинг кўплаб мамлакатларида қорағат етиштириш соҳасида мақсадли илмий-тадқиқот ишлари кенг йўналтирилмоқда. Бу изланишлар самарадорлигини ошириш мақсадида юқори ҳосилли, биокимёвий таркиби бой, меванинг товар сифатлари юқори бўлган ҳамда турли даражада шўрланган тупроқ-иқлим шароитларига мос навларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай тадқиқотлар олтинсимон қорағат навларини ўртача шўрланган тупроқ шароитида ҳосил бериши ва қаламчалардан юқори сифатли кўчат етиштириш имконини беради.

Ўзбекистонда олтинсимон қорағатнинг истиқболли янги навларини яратишда селекция ишлари, қурғоқчилик ва совуққа чидамлилиги ҳамда етиштириш агротехникаси бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Аммо ушбу резавор мевали олтинсимон қорағат ўсимлик турини мамлакатимизнинг ўртача шўрланган тупроқ шароитларида боғларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сифатли кўчат етиштириш бўйича чуқур илмий изланишлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш...” устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Бу борада қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини оширишда ўртача шўрланган тупроқларга чидамли юқори сифатли, ҳосилдор олтинсимон қорағат навларини кўчатларини етиштириш технологиясини илмий асосланган ҳолда тадбиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ <https://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПФ-151-сон “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорағат турлари ва кўчатларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича дунёнинг бир қатор давлатларида илмий–тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан Польша, Россия, Германия, АҚШ, Украина, Англия, Голландия, Янги Зеландия, Озарбайжон, Дания ва бошқа мамлакатларда J.Berlandier, И.В.Мичурин, М.Г.Абдеева, Е.А.Иванова, Т.В.Жидехина, Л.С.Санкин, Е.А.Гнусенкова, В.Н.Сорокопудов, В.Л.Витковский, Ф.Л.Калинин, В.С.Салыкова, И.В.Лебедев, А.Е.Соловьева, Ю.В.Бурменко, Ўзбекистонда С.И.Ягудина, М.М.Мирзаев, Р.М.Абдуллаев, Х.Абдуллаева, ва А.А.Қосимов каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Юқоридаги олимлар томонидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилган. Аммо олтинсимон қорағатнинг қаламчаларини ҳамда уларнинг ривожланиш фазаларини ҳисобга олган ҳолда кўчатларни етиштиришда Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқ шароитида агротехник тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Шулар орқали эса, энг мақбул қаламча диаметри ва экиш схемаси бўйича, ташқи омилларга чидамли биологик барқарор бўлган кўчатларини қисқа муддатларда олиниши бўйича тавсиялар берилган.

Мазкур тадқиқот натижаларининг таҳлили Бухоро вилояти шароитида олтинсимон қорағат кўчатларини ўрта шўрланган тупроқ шароитларида қаламча диаметри ва экиш схемаси бўйича, кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлигини кўрсатди. Ушбу масалаларни ҳал этиш эса бугунги кунда ўртача шўрланган тупроқ шароитларида барпо этилаётган олтинсимон қорағат боғларни кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи қатор муаммоли масалаларнинг ечимига қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг №AL-274722032415 - рақамли “Олтинсимон қорағат ва малинанинг лалми тупроқ иқлим шароитига мос, қурғоқчиликка, кассалика ва зараркурандаларга чидамли, меваларининг сифати юқори бўлган навларни яратиш” (2024-2026 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат (*Ribes aureum* Pursh) навларининг агробиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, уларнинг юқори ҳосилли навларини аниқлаш ва самарали кўчат етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўртача шўрланган тупроқ шароитида етиштирилаётган олтинсимон қорағат навларини агробиологик хусусиятларига асосан ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган навларни танлаш;

ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларини мева сифат кўрсаткичлари, биокимёвий таркиби ва ҳосилдорлигини аниқлаш;

ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағатнинг турли хил диаметрдаги қаламчаларининг кўкарувчанлиги, ўсиш динамикаси ва илдиз тизимини тадқиқ қилиш;

олтинсимон қорағат нави кўчатларини етиштиришда турли хил экиш схемасининг кўчат чиқишига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олтинсимон қорағатнинг Плотномьяся (назорат), Узбекская сладкая, Дўстлик, Рухшона, Ядгор, Эликсир, Сиюма, Узбекистанская крупноплодная, Ойдин, Гулноза навлари ва қаламчалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб олтинсимон қорағат навларининг агробиологик хусусиятлари, ўсиш ва ривожланиш жараёнлари, кўчат етиштиришда қаламча диаметри ва экиш схемасининг кўчат чиқиши ва кўчатларни ўсиб ривожланишининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда олтинсимон қорағат навларида фенологик кузатувларни олиб боришда Бутун Россия мева экинлар селекцияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” Е.Н.Седова ва Т.П.Огольцовой (1999), қорағат меваларининг биокимёвий таркибини аниқлашда А.И.Ермаковнинг умумий таҳрири остида нашр этилган “Методы биохимического исследования растений” (1979), олтинсимон қорағат тупининг ўсиш ва ривожланиш фазалари В.Л.Витковскийнинг “Изучение динамики роста побегов, формирования почек и цветков у плодовых растений” (1979), кўчатларини кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш тажрибалари “Новая технология размножения растений зелёными черенками” М.Т.Тарасенко (1969) услубий қўлланмаси асосида, илдиз тизимини

ўрганишда В.А.Колесников (1962) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, тадқиқотлардан олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуби бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқ шароитига чидамли бўлган олтинсимон қорағатнинг Ядгор ва Гулноза навлари танланган;

ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағатнинг Ядгор нави 76,4 ц/га, Гулноза нави 75,7 ц/га ҳосил бериши ва биокимёвий таркиби бўйича Ядгор (12,3%), Ойдин (11,9%) навларида қанд моддасининг юқори бўлиши исботланган;

ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағатнинг Плотномьяся навини 5-6 мм диаметрдаги қаламчаларининг кўкарувчанлик даражаси 84,8 фоизни, ўсиш динамикаси 75,0 см ва жами илдизлар сони 75,7 тагача ривожланиши аниқланган;

олтинсимон қорағатнинг Плотномьяся нави кўчатларини 70x10 см экиш схемаси бўйича етиштирилганда сифатли кўчат чиқиши гектарига ўртача 77,1 фоизгача ёки гектарига 110 минг донагача бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навлари орасидан амалиётда мавжуд навларга нисбатан юқори ҳосилдор ва мевасининг биокимёвий таркиби билан ажралиб турувчи навлари ажратилган;

ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат ўсимлигининг тупларининг ривожланиши, яъни новдалар ва новдадаги ён шохлар сони ҳамда тупларнинг ўсиш баландлиги юқори бўлиши аниқланган;

ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навлари учун кўчатларини қаламчаларидан кўпайтиришда 7x10 см экиш схемасида 5-6 мм диаметрдаги қаламчалардан кўчат чиқиши юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва хорижда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларига хўжалик нуқтаи назардан баҳо берилганлиги, улар орасидан юқори ҳосилдор навларини ажратилганлиги, олтинсимон қорағат навларининг бир йиллик ёғочланган қаламчаларидан кўчат етиштиришда мақбул қаламчалар диаметри ва экиш

схемаларини танлаб олинганлиги, янги истиқболли навлар ҳамда улардан сифатли кўчат етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навлари ажратилган ҳолда, юқори ҳосилдор, меваларнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навлари фермер хўжаликлари учун тавсия этилган, ажратилган истиқболли олтинсимон қорағат навларини кўчатларини кўпайтириш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган, олтинсимон қорағат кўчатларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун юқори сифатли кўчат олишни таъминловчи энг мақбул экиш схемаси ҳамда қаламчалар диаметри тавсия этилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларини агробиологик хусусиятлари ва кўчатларини етиштириш технологияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари, резавор меваларни етиштирувчи мутахассислар ва томорқа ер эгалари учун «Ўрта шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларидан кўчат етиштириш технологияси» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 17 октябрдаги 05/06-03-450-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома олтинсимон қорағат кўчатларини етиштирувчи фермер ва боғбонлар учун услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

олтинсимон қорағатнинг “Гулноза”, “Ядгор”, “Плотномьяся” навларини етиштириш технологияси Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Бобомурод қизи Элмира” фермер хўжалигининг 0,30 гектар, Когон туманидаги “Когон Ахтам-Аслбек” фермер хўжалигининг 0,25 гектар, “Сангриев Худойдерди ота” фермер хўжалигининг 0,50 гектар, жами 1,05 гектар майдонда амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 17 октябрдаги 05/06-03-450-сонли маълумотномаси). Натижада, “Ядгор” ва “Гулноза” навларидан ўртача 1,4-2,5 т/га сифатли маҳсулот олиш имконини берган;

Бухоро вилояти шароитида олтинсимон қорағат навлари кўчатларини етиштириш ишланмаси Вобкент тумани “Бобомурод қизи Элмира” фермер хўжалигининг 0,02 гектар майдонида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 17 октябрдаги 05/06-03-450-сонли маълумотномаси). Натижада, олтинсимон қорағатнинг “Узбекская сладкая”, “Ядгор” ва “Гулноза” навларидан 75% гача юқори сифатли кўчат етиштиришга ҳамда назоратга нисбатан 10% юқори сифатли кўчат олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та

республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек 1 та тавсиянома нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Олтинсимон қорағат (*Ribes aureum* Pursh) навларини агробиологик хусусиятлари ва кўчат етиштириш технологиясини назарий асослари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида олтинсимон қорағат навларини ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари, олтинсимон қорағат ўсимлигининг хўжалик ва биологик хусусиятлари, олтинсимон қорағат навларининг кўчатини етиштиришнинг назарий ва амалий асослари бўйича хориж ва республикамиз олимларининг адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услуби**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мавзуси юзасидан дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот дастури ва услублари, тадқиқотда қўлланилган олтинсимон қорағат навлари таснифи ва уларни етиштириш агротехникаси тавсифланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Тадқиқот дастури ва услублари» бўлимида танлаб олинган навга экиш схемаси ва қаламчалар диаметрини аниқлаш, олтинсимон қорағат навлари меваларининг пишиш даврида биокимёвий таркибини аниқлаш, олтинсимон қорағат навларининг кўчатларини кўпайтиришда экиш схемаси ва қаламча диаметрини аниқлаш, олтинсимон қорағат навлари қаламчаларини ўсиш динамикаси ҳамда олтинсимон қорағат навларининг дала майдонида ўртача шўрланган тупроқлар таркибини таҳлили каби мезонлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон**

қорағат навларини агробиологик хусусиятларини ўрганиш ва мос навларини танлаш» деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижаларига кўра **«Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқ шароитида етиштирилаётган олтинсимон қорағат навларини фенологик фазаларини ўтиш муддатлари»** деб номланган 3.1-§ да олтинсимон қорағат навларининг агробиологик хусусиятларини ўрганиш бўйича 2023-2025 йиллар давомида 10 та навлар устида илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Бунда олтинсимон қорағат навларининг фенологик фазаларини ўтиш муддатлари ўрганилган. (1-жадвал).

«Олтинсимон қорағат тупларининг биометрик кўрсаткичлари» деб номланган 3.2-§. да натижаларга кўра, навлар ичида энг юқори кўрсаткич Ядгор навида аниқланиб, тупдаги новдалар сони 6 донани ташкил қилиб ҳамда новдалар узунлиги 95,2 см ни ташкил этди, новдаларнинг умумий узунлиги эса 571,2 см гача ташкил этди, новдадаги ён шохлар сони эса 16 донагача аниқланди, тупнинг баландлиги 165,8 см гача узун бўлганлиги билан ажралиб чиқди.

«Ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларининг мева сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигини аниқлаш» деб номланган 3.3-§. да олиб борилган тажриба натижаларига кўра, олтинсимон қорағат навларининг ўртача шўрланган тупроқ шароитида мева сифат кўрсаткичлари ҳамда мевалар сони мевасининг вазни, битта мевасининг ўртача массаси, энг йирик меванинг массаси аниқланди. Ойдин ҳамда Гулноза навларида 100 г даги мевалар сони аниқланганда ўртача 76,1-85,3 донагача, 100 дона мевасининг вазни эса 123,3-154,3 граммгача, битта мевасининг ўртача массаси 1,2-1,3 г гачани ташкил қилди. Энг йирик меванинг массаси эса 2,6-3,5 г гачани ташкил қилди.

1-жадвал

Ўртача шўрланган тупроқ шароитида етиштирилаётган олтинсимон қорағат навларини фенологик фазаларини ўтиши (2023-2025 йй).

Навлар	Вегетация бошланиши	Куртакларнинг ёзилиши	Гуллаш		Пишиш		Баргларни тўкилиши		Вегетация давомийлиги, кун
			бошланиши	тугаши	бошланиши	тугаши	Бошланиши	тугаши	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Плотномьясая (назорат)	23/II	2/III	20/III	21/IV	27/V	6/VII	14/X	14/XI	265
Узбекская сладкая	19/II	5/III	23/III	20/IV	22/V	11/VII	21/IX	4/XI	259
Дўстлик	23/II	5/III	23/III	23/IV	27/V	7/VII	26/IX	13/XI	264
Рухшона	25/II	5/III	23/III	20/IV	25/V	5/VII	21/IX	11/XI	260
Ядгор	25/II	4/III	22/III	20/IV	25/V	4/VII	27/IX	13/XI	262
Эликсир	25/II	4/III	23/III	19/IV	27/V	4/VII	23/IX	13/XI	262
Сиюма	25/II	6/III	25/III	22/IV	24/V	7/VII	24/IX	17/XI	269
Узбекистанская крупноплодная	24/II	7/III	27/III	22/IV	26/V	4/VII	16/IX	13/XI	263
Ойдин	23/II	4/III	27/III	23/IV	25/V	5/VII	14/IX	11/XI	262
Гулноза	25/II	7/III	25/III	23/IV	28/V	2/VII	16/IX	15/XI	264

Навлар ичида энг юқори кўрсаткичлар Ядгор ва Гулноза навларида аниқланиб, 100 дона мевасининг вазни 141,0-154,3 г гача эканлиги билан ажралиб чиқди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларининг мева сифат кўрсаткичлари (2023-2025 йй).

Навлар	100 г даги мевалар сони, дона	100 дона мевасининг вазни, г	Битта мевасининг ўртача массаси, г	Энг йирик меванинг массаси, г
Плотномьяся (назорат)	83,0	123,7	1,2	3,1
Узбекская сладкая	89,3	127,3	0,8	2,1
Дўстлик	87,3	120,5	1,2	3,2
Рухшона	108,5	112,1	1,1	2,9
Ядгор	74,4	141,0	1,4	3,6
Эликсир	97,5	106,2	1,2	3,0
Сиюма	98,0	102,8	1,0	2,7
Узбекистанская крупноплодная	111,8	111,5	1,0	3,1
Ойдин	76,1	123,3	1,2	2,6
Гулноза	85,3	154,3	1,3	3,5
ЭКФ05=	1,2	1,5		
ЭКФ%=	1,3	1,2		

Ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларини 2023-2025 йилларда тупдаги ҳосил ва умумий ҳосилдорлик аниқланиб қуйдаги натижалар қайд этилди. Олтинсимон қорағат навларида тажриба натижаларига кўра, Плотномьяся назорат навида натижалар турлича бўлиб, 2023-2024-2025 йилларида тупдаги ҳосил аниқланди (1,6-2,7-1,9) кг гача бўлганлиги, тупдаги ўртача уч йиллик ҳосил эса 2,1 кг ни ташкил қилди. Умумий ҳосилдорлик уч йилда турлижа аниқланиб, (5,4-8,9-6,1) тонна гача етганлиги, ўртача умумий ҳосилдорлик 6,8 тоннани ташкил қилиб, гектарига 68,1 ц/га ни ташкил қилди. Ядгор навида натижалар турлича бўлиб, уч йиллик тупдаги ҳосил аниқланди (1,6-3,3-2,1) кг гача бўлганлиги, тупдаги ўртача ҳосил эса 2,3 кг ни ташкил қилиб, умумий ҳосилдорлик уч йилда турлижа аниқланди. Бунда (5,3-10,8-6,8) тонна гача етганлиги, ўртача умумий ҳосилдорлик 7,6 тоннани ташкил қилди. Олинган натижаларга кўра, Гулноза навида натижалар турлича бўлиб, уч йиллик тупдаги ҳосил аниқланди (1,8-3,5-1,6) кг гача бўлганлиги, тупдаги ўртача ҳосил эса 2,3 кг ни ташкил қилиб, умумий ҳосилдорлик уч йилда турлижа аниқланди. Бунда (6,0-11,4-5,3) тонна гача етганлиги, ўртача умумий ҳосилдорлик 7,6 тоннани ташкил қилди. Умумий гектарига 75,7 ц/га гача қайт этилди. Олтинсимон қорағат навлари ичида умумий ҳосилдорлик энг юқори кўрсаткич аниқланиб. Булар Ядгор ва Гулноза навларида 76,4-75,7 ц/га гача энг юқори ҳосилдорлик билан ажралиб чиқди.

«Олтинсимон қорағат навларининг биокимёвий таркибига кўра боҳолаш» деб номланган 3.4-§. да олтинсимон қорағат навларида 2023-2025 йиллар мобайнида биологик фаол моддаларини аниқлаш мақсадида уларнинг

мевалари таркибидаги қанд миқдори, қуруқ моддаси ва кислота миқдорининг мавжудлиги аниқланди. Олтинсимон қорағат навларининг меваларини кимёвий таркибини таҳлил қилинди. Плотномьяся стандарт навида қуруқ модда 9 % ни, кислота миқдори 0,80 % ни, қанд миқдори эса 9,05 % ни ташкил этди.

3-жадвал

Ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларининг ҳосилдорлик ва бир тупдаги ҳосилга таъсири (2023-2025 йй).

Навлар	1 тупдаги ҳосил, кг				Ҳосилдорлик, тонна				
	2023 й.	2024 й.	2025 й.	Ўртача уч йил	2023 й.	2024 й.	2025 й.	Ўртача уч йил	ц/га
Плотномьяся (назорат)	1,6	2,7	1,9	2,1	5,4	8,9	6,1	6,8	68,1
Узбекская сладкая	1,6	3,0	2,0	2,2	5,4	9,8	6,5	7,3	72,6
Дўстлик	2,1	3,0	1,7	2,3	6,9	9,9	5,6	7,5	74,8
Рухшона	1,9	3,2	1,7	2,2	6,2	10,5	5,5	7,4	73,7
Ядгор	1,6	3,3	2,1	2,3	5,3	10,8	6,8	7,6	76,4
Эликсир	2,0	1,7	1,8	1,8	6,5	5,6	5,9	6,0	60,0
Сиюма	1,8	2,9	2,1	2,3	6,1	9,4	6,9	7,5	74,6
Узбекистанская крупноплодная	2,0	3,7	1,1	2,3	6,5	12,3	3,7	7,5	74,9
Ойдин	1,7	2,5	1,5	1,9	5,7	8,4	5,0	6,3	63,2
Гулноза	1,8	3,5	1,6	2,3	6,0	11,4	5,3	7,6	75,7
ЭКФ05=					0,1	0,3	0,1	0,1	
ЭКФ%=					1,6	3,4	1,6	1,6	

Плотномьяся стандарт навида нисбатан Узбекская сладкая навида қуруқ модда 10 %, кислота миқдори 0,62 %, ва қанд миқдори 9,4 % бўлган бўлса, Дўстлик навида қуруқ модда 10 %, кислота миқдори 1,1 % ҳамда қанд миқдори 8,9 % ни ташкил этди. Рухшона навида қуруқ модда 12 %, қислота миқдори 0,78 ва қанд миқдори 9 % аниқланган бўлса Ядгор навида қуруқ модда 13 %, кислота миқдори 0,70 % ҳамда қанд миқдори 12,3 % ни ташкил этганлиги кузатилди. Элексир навида қуруқ модда 12 %, кислота 1,05 %, қанд моддаси 10,7%, ва Сиюма навида қуруқ модда 11 %, кислота 0,68% қанд моддаси 9,7 %, ташкил этди.

Олтинсимон қорағат навлари ичида Ядгор, Узбекистанская курупноплодная, Гулноза (13 %), навларида энг кўп қуруқ моддаси борлиги аниқланган бўлса, Дўстлик навида (1,1%) энг кислота миқдори борлиги аниқланди. Навлар ичида қанд миқдори Ядгор (12,3) навида юқори эканлиги кузатилди.

«Ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш» деб номланган 3.5-§. да олтинсимон қорағат навларини ҳосилдорлиги юқори бўлиб чиққан навларнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинди. Олтинсимон қорағат навларида ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигида энг юқори натижалар ялпи маҳсулот киймати, Ядгор ва Гулноза наларида 229200,0- 227100,0 минг

сўмда кузатилди. Соф фойда эса 87268,9- 86022,0 минг сўмни ташкил қилиб Рентабеллик энг юқори кўрсатки 61,5- 61,0% билан ажралиб чиқди.

Диссертациянинг «**Ўртача шўрланган тупроқ шароитида олтинсимон қорағат кўчатини етиштиришда қаламчаларнинг диаметри ва экиш схемасининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида олтинсимон қорағат кўчатларини сифатли етиштириш учун экиш схемаси ва қаламча диаметри, ўғитлаш, суғориш тадбирларини илмий асосда қўллаш ҳамда агротехник тадбирларни тўғри танлаш юқори сифатли, бозорбоп кўчатлар етиштириш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мазкур бобнинг «**Олтинсимон қорағат қаламчалардан кўчат етиштиришнинг агротехнологияси**» деб номланган 4.1-§. да олтинсимон қорағат қаламчалардан кўчат етиштириш агротехнологиясида асосан вегетатив усулда яъни бир йиллик новдасидан қаламча қилиб кўпайтириш кенг қўлланилганлиги бу эса қаламчаларни экиш схемаси ва қаламча диаметрига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди.

Олтинсимон қорағат кўчатларини кўпайтиришда экиш схемаси ва қаламча диаметри асосий омил бўлиб, тажрибада (60x10 см), (60x15 см), (70x10 см), (70x15 см) экиш схемаси ҳамда 5–6 мм диаметрдаги қаламчаларда кўкариш даражаси қолган қаламча диаметрига нисбатан энг юқори (70,5%), (79,9), (84,8 %), (77,4) ни қайд этилди.

Тўртинчи бобнинг «**Қаламча диаметри ва экиш схемаси бўйича экилган олтинсимон қорағат қаламчасини кўкарувчанлиги**» деб номланган 4.2-§. да олтинсимон қорағат кўчатларини кўпайтиришда экиш схемаси ва қаламча диаметри муҳим омил ҳисобланган. Чунки бу икки омил нафақат кўкариш даражасига, балки келгусида кўчатларнинг сифатли ривожланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Тажриба натижалари ҳам ушбу омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни яққол намоён қилган.

Тажрибага кўра, 60x15 см экиш схемасида ўсимликларнинг озикланиш майдони кенгроқ бўлгани сабабли кўкариш даражалари яхшироқ натижа берди. 3–4 мм диаметрдаги қаламчаларда ўртача 57,8 %, 5–6 мм диаметрдагиларда 79,9 %, 7–8 мм қалинликдагиларда эса 64,9 % кўрсаткичга эришилди. Энг қалин қаламчаларда ҳам 60,6 % натижа қайд этилган.

70x10 см тажрибада энг юқори кўрсаткичларни берди. Бу схема қаламчаларнинг жойлашиши жиҳатидан оптимал бўлгани учун уларнинг ўзаро рақобати меёрида кечди. Натижада 3–4 мм диаметрда ўртача 67,3 %, 5–6 мм диаметрдагиларда 84,8 %, ва 9–10 мм диаметрдагиларда эса 54,3 % кўкариш қайд этилди.

70x15 см экиш схемасида натижалар назорат вариантыга яқин бўлсада, бироз пастроқ кўрсаткичлар қайд этилди. Масалан, 3–4 мм диаметрдаги қаламчаларда 68,3 %, 5–6 мм диаметрдагиларда 77,4 %, 7–8 мм диаметрдагиларда 63,6 %, 9–10 мм диаметрдагиларда эса 58,4 % кўрсаткич кузатилди. Бу ҳолат кўчатлар жуда сийрак жойлаштирилганида ҳам ўзига хос ноқулайликлар юзага келишини кўрсатади. Умумий таҳлил шуни кўрсатдики, олтинсимон қорағат кўчатлари учун энг мақбул натижалар

70x10 см экиш схемасида ва айниқса 5–6 мм диаметрдаги қаламчалардан фойдаланилганда кузатилди. Жуда зич экишда қаламчалар ўзаро рақобат туфайли сустривожланади, жуда сийрак экишда эса тупроқ намлиги ва озикланишнинг оптимал мувозанати бузилади. Шу боис, кўчат етиштиришда экиш схемасини ва қаламча диаметрини тўғри танлаш юқори ҳосилдорликка эришишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Мазкур бобнинг «Қаламча диаметри ва экиш схемаси бўйича экилган олтинсимон қорағат кўчатини ўсиш динамикасини тадқиқ қилиш» деб номланган 4.3-§. да қаламчалар орқали кўпайтириладиган олтинсимон қорағат навининг ўсиш динамикаси уларнинг келгусида ривожланиши ва ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун тажрибада олтинсимон қорағат навининг турли экиш схемаларида ва турли диаметрдаги қаламчаларнинг ўсиш кўрсаткичлари мунтазам равишда кузатилди. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики 60x15 см экиш схемасида ўсиш кўрсаткичлари юқорироқ бўлди. 3–4 мм диаметрдаги қаламчаларда ўсиш 15/04 санада 14 см бўлса, 15/10 санасига келиб 72 см га етди. 5–6 мм диаметрдагиларда эса 17 см дан 79 см гача, 7–8 мм диаметрдагиларда 13 см дан 72 см гача ўсиш қайд этилди. Энг диаметри катта бўлган қаламчаларда 9–10 мм эса 12 см дан бошланган ўсиш охирида 71 см гача етди. Бу схемада ўсимликларнинг озикланиш майдони нисбатан кенг бўлгани учун илдизланиш ва ўсиш жараёни самаралироқ кечганини кўрсатади.

4-жадвал

Олтинсимон қорағат навлари новдалларини ўсиш динамикасига таъсирини аниқлаш (2023-2025 йй)

т/р	Экиш схемаси, см	Қаламчалар қалинлиги, мм	01-апрел (даст)	15.апр	01.май	15.май	01.июн	15.июн	01.июл	15.июл	01.авг	15.авг	01.сен	15.сен	
1	70x10 назорат	7-8	4	13	29	46	61	62	63	64	66	71	74	74	
2	60x10	3-4	4	14	29	44	58	60	62	63	65	75	75	75	
		5-6	5	16	32	49	66	67	67	68	69	78	79	79	
		7-8	4	14	30	46	62	64	65	65	66	71	72	72	
		9-10	3	13	28	43	57	59	62	62	64	71	72	72	
3	60x15	3-4	4	14	28	43	57	59	60	60	62	70	72	72	
		5-6	7	17	30	49	65	68	69	71	72	75	79	79	
		7-8	4	13	31	45	60	62	62	62	63	71	72	72	
		9-10	3	12	28	43	57	59	62	63	63	69	71	71	
4	70x10	3-4	4	14	27	44	58	59	62	63	63	69	73	73	
		5-6	7	16	32	51	68	70	71	71	72	74	75	75	
		9-10	3	14	26	41	54	58	61	61	63	69	73	73	
5	70x15	3-4	4	14	28	45	60	58	61	62	62	70	72	72	
		5-6	8	18	31	50	68	62	64	64	66	70	73	73	
		7-8	5	15	30	48	64	62	62	62	63	64	70	73	73
		9-10	4	13	25	41	56	61	63	63	64	64	71	73	73

Олтинсимон қорағат қаламчаларининг ўсиш динамикаси натижалари шуни кўрсатадики экиш схемаси ва қаламчалар диаметрига боғлиқ ҳолда сезиларли фарқ қилади. Оптимал натижалар 70x10 см экиш схемасида, айниқса 5–6 мм диаметрдаги қаламчаларда қайд этилди. Зич экишда қаламчалар ўзаро рақобат

туфайли сустроқ ривожланади, жуда сийрак экишда эса натижалар бир оз пасаяди. Демак, кўчатларни сифатли ва бир меъёрда ўстириш учун экиш схемаси ҳамда қаламча диаметрини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Кузатув натижаларига кўра умумий маълумот шуни кўрсатадики, экиш схемалари орасида 70x10 см масофада экилган қаламчалар энг юқори ўсиш кўрсаткичларини намоён қилди. Бу эса ўсимликларнинг озикланиш майдони ва илдиз тизимининг ривожланиши учун қулай шароит яратилганидан далолат беради (4-жадвал).

Тўртинчи бобнинг «**Олтинсимон қорағат кўчатларининг илдиз тизимини ривожланишига қаламчалар диаметри ва экиш схемаларини таъсири**» деб номланган 4.4-§. да олтинсимон қорағат навлари кўчатларининг илдиз тизими ривожланиши, илдизларнинг узунлиги ва сони бўйича турли экиш схемалари ҳамда кўчат диаметри ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган. Тадқиқотларда асосий эътибор кўчатларнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи ва ён илдизларининг ривожланиш даражаси, жами илдиз узунлиги ва илдизлар сони кўрсаткичларига қаратилган. Шу билан бирга, назорат вариантлари билан таққослаш орқали ҳар бир параметрнинг нисбий самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики 70×10 см экиш схемасида 3–4 мм диаметрдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 517,2 см ва илдизлар сони 70,0 дона бўлиб, бу қиймат 100% сифатида белгиланган. Шу билан бирга, 5–6 мм диаметрдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги 570 см ва илдизлар сони 73,7 дона бўлиб, назоратга нисбатан 107,3% ни ташкил қилган. 9–10 мм диаметрдаги кўчатларда жами илдиз узунлиги мос равишда 499 см, илдизлар сони эса 62,3 дона бўлиб, назоратга нисбатан 89,0% ни ташкил қилган. Бу натижалар шуни кўрсатадики, назорат гуруҳида илдиз тизими умумий жиҳатдан барқарор ривожланган, лекин кўчат диаметри ошгани сайин бирламчи ва иккиламчи илдизларнинг ривожланиш самарадорлиги бироз камаяди.

Кўчатларнинг илдиз тизими ривожланишида экиш схемаси ва кўчат диаметри асосий омиллар сифатида рол ўйнайди. Энг яхши ривожланиш 5–6 мм диаметрдаги кўчатларда кузатилган бўлиб, улар жами илдиз узунлиги ва илдизлар сони бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Шу билан бирга, кўчат диаметри ортиши билан бирламчи ва иккиламчи илдизларнинг ривожланиш самарадорлиги пасаяди, аммо экиш схемаси (масалан, 70×10см) ушбу пасайишни қисман бартараф этади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, кўчатларнинг илдиз тизими ривожланишида экиш схемаси ва кўчат диаметри асосий омиллар сифатида рол ўйнайди. Энг яхши ривожланиш 5–6 мм диаметрдаги кўчатларда кузатилган бўлиб, улар жами илдиз узунлиги ва илдизлар сони бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Шу билан бирга, кўчат диаметри ортиши билан бирламчи ва иккиламчи илдизларнинг ривожланиш самарадорлиги пасаяди, аммо экиш схемаси (масалан, 70×10см) ушбу пасайишни қисман бартараф этади (5-жадвал).

Олтинсимон қорағат кўчатларини етиштиришда ўсиш динамикасининг юқори бўлиши экиш схемаси ва қаламча диаметрини тўғри танлаш билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, 70x10 см экиш схемаси ва 5–6 мм диаметрдаги

Олтинсимон қорағат навлари кўчатларининг илдиз тизимиға таъсири (2023-2025 йй)

№	Экинч схемаси, см	Қаламчалар диаметри, мм	Илдизлар узунлиги, см				Жами илдизлар узунлиги, см	Назоратта % нисбатан	Илдизлар сони, дона				Жами илдизлар сони, дона
			Бирламчи илдиз	Иккиламчи илдиз	Учламчи илдиз	ён илдиз			бирламчи илдиз	иккиламчи илдиз	учламчи илдиз	ён илдиз	
1	70x10 назорат	7-8	120,0	230,0	44,0	112	506,0	97,8	5,0	38	9,0	14,0	66,0
		3-4	104,7	151,7	54,2	109	418,9	81,0	4,3	35	15,7	13,7	68,7
2	60x10	5-6	128,8	160,4	18,3	128	435,5	84,2	5,0	37	12,0	12,0	66,0
		7-8	115,0	160,0	45,0	110	430,0	83,1	4,5	33	11,0	12,0	60,5
		9-10	108,0	180,0	38,0	105	431,0	89,3	4,2	31	10,0	11,0	56,2
3	60x15	3-4	110,0	260,3	11,7	104	485,7	93,9	9,0	41,7	4,0	19,0	73,7
		5-6	120,0	220,0	42,0	115	497,0	96,1	6,0	36	9,0	14,0	65,0
		7-8	110,0	205,0	36,0	108	459,0	88,7	5,0	34	8,0	13,0	60,0
		9-10	125,0	212,0	13,7	115	465,7	90,0	8,0	32	10,0	14,0	64,0
4	70x10	3-4	122,0	240,0	35,8	119,4	517,2	100,0	7,0	40	8,0	15,0	70,0
		5-6	174,0	260,3	11,7	124	570,0	110,2	9,0	43,7	4,0	19,0	75,7
		9-10	115,0	225,0	39,0	120	499,0	96,5	4,8	36	8,5	13,0	62,3
5	70x15	3-4	108,0	210,0	40,0	115	473,0	91,5	5,0	33	9,0	12,0	59,0
		5-6	133,0	246,6	40,8	110,2	530,6	102,6	6,0	41	11,0	15,0	73,0
		7-8	118,0	228,0	31,0	112	489,0	94,5	5,5	37	9,5	13,0	65,0
		9-10	130,0	162,3	55,2	119	466,5	90,2	6,0	35	9,0	13,0	63,0
	ЭКФ05=					3,84						0,52	
	ЭКФ%=					0,8						0,8	

каламчалар оптимал вариант ҳисобланиб, улар сифатли ва бозорбоп кўчатлар олиш энг мақбул шароитни яратади. Бу натижалар келгусида олтинсимон қорағат кўчатзорларини ташкил этишда илмий асосланган агротехнологияни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур бобнинг «Олтинсимон қорағатни турли экиш схемасида экилган қаламчаларидан сифатли кўчатларнинг чиқиши» деб номланган 4.5-§. да олтинсимон қорағатнинг турли экиш схемасида экилган қаламчалардан сифатли, бозорбоп кўчатларнинг тақсимланиши таҳлил қилинганда куйидаги натижалар қайд этилди. Тадқиқот натижасига кўра 60x10 см (166 минг) 100 дона экилган қаламчадан тоза кўчат чиқиши 3-4 мм диаметрида олинган кўчатлар сони ўртача 48,2 донани ташкил қилиб, назоратга нисбатан (68,8%) ни, олинган кўчатлардан 30,7 донаси I нав, 12,3 донаси II нав ва 4,2 донаси ностандарт кўчатлар эканлиги қайд этилди. Қаламчалар диаметри 5-6 мм бўлган эгатларда кўчатлар сони ўртача 51,2 донани ташкил қилиб, назоратга нисбатан (73,0%) ни, олинган кўчатлардан 32,6 донаси I нав, 13,1 донаси II нав ва 4,5 донаси ностандарт кўчатлар эканлигини ташкил этилди (6-жадвал).

6 -жадвал

Олтинсимон қорағат навларини экиш схемасида қаламчалар қалинлиги ва кўчатларини сифати кўрсаткичлари (2023-2025 йй.)

Экиш схемаси, см	Қаламчалар қалинлиги, мм	Экилган кўчатлар сони	Кўчат чиқиши, %	Гектар ҳисобида кўчат сони, дона	
				1 га майдондан экилган кўчат	1 га майдонда кўчат чиқиши
70x10 назорат	7-8	100	59,1	142800	84394,8
60x10	3-4	100	48,2	166600	80301,2
	5-6	100	64,1	166600	106790,6
	7-8	100	50,1	166600	83466,6
	9-10	100	49,9	166600	83133,4
60x15	3-4	100	52,5	111100	58327,5
	5-6	100	72,6	111100	80658,6
	7-8	100	59	111100	65549
	9-10	100	55,1	111100	61216,1
70x10	3-4	100	61,2	142800	87393,6
	5-6	100	77,1	142800	110098,8
	9-10	100	49,4	142800	70543,2
70x15	3-4	100	62,1	95200	59119,2
	5-6	100	70,4	95200	67020,8
	7-8	100	57,8	95200	55025,6
	9-10	100	53,1	95200	50551,2
ЭКФ%=					2,3

Тадқиқот натижасига кўра 70x15 см (95 минг) 100 дона экилган қаламчадан сифатли кўчат чиқиши қаламчалар диаметрлари ичидан олинган кўчатлар энг юқори 5-6 мм диаметрда бўлиб 67,2 донани ташкил қилди. Ушбу қаламчалар диаметри орасида энг паст кўрсаткич 3-4 ммда бўлиб олинган кўчатлар 62,1 донани ташкил этди. 70x15 экиш схемасида энг йхши

кўрсаткич 5-6 мм диаметра бўлиб олинган кўчатлардан 46,4 донаси I нав, 13,2 донаси II нав ва 6,6 донаси ностандарт кўчатлар эканлиги қайд этилган болса, ушбу экиш схемаси бўйича назоратга нисбатан 88,6 фоизга паст эканлиги 3-4 мм қаламчалар диаметри қаторида қайд этилди.

Мазкур бобнинг «Олтинсимон қорағат навларини кўчатини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган 4.6-§. да иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан асосий мақсад кам харажат қилиб юқори даромад олиш бўлиб, экиш схемалар ва қаламча диаметрида барча сарф-харажатлар қуйидаги йўналишда олиб борилди. Мазкур талабни таҳлил қилиш мақсадида, йиллар давомида олиб борилган тажрибаларнинг мақбул вариантларидан олинган ўртача кўчат сони ҳисобланиб, иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш учун фойдаланилди. Турли экиш схемаси ва қаламча қалинлигини етиштиришда кўчатларининг иқтисодий самарадорлиги бўйича ҳисоб-китоблар харажатлар миқдори жами харажатлар кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланди.

Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича “70x10 см экиш схема (қаламча диаметри 7-8 мм)” бўлган назорат вариантда экилган қаламчаларнинг умумий сони гектарига 142000 минг донани ташкил этди. Барча харажатлар ушбу қаламчалар сонига нисбатан ҳисобланди. Олтинсимон қорағатнинг етиштириши учун иш ҳаққи, ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа харажатлар билан жаъми 76912 минг сўм сарфланди. Кузга бориб тайёр кўчатлар 84394,8 донани ташкил қилди. Бир кўчатнинг реализация баҳоси 4 000 сўм бўлиб, ялпи даромад 337579,2 минг сўм, соф фойда 260667,2 минг сўм, рентабеллик даражаси 338,9% бўлганлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Бухоро вилояти шароитида ўрганилган олтинсимон қорағат навларида вегетация бошланиши Узбекская сладкая ва Ойдин эрта, Рухшона, Ядгор, Эликсир, Сиюма, Узбекистанская крупноплодная ва Гулноза кеч бошланиши қайд этилди.

2. Тадқиқотлар натижасида олтинсимон қорағат бутасининг новдаси шаклланиши бўйича Ядгор ҳамда Эликсир навларида кузатилиб, ихчам ва тўлиқ ривожланганлиги қайд этилди.

3. Мева сифат кўрсаткичлари ичида Ядгор ва Гулноза навларида (100 дона мевасининг вазни 141,0-154,3 г) кузатилди. Энг йирик меванинг массаси бўйича ҳам Ядгор ва Гулноза навлари ажралиб чиқди.

4. Ядгор ва Гулноза навларида мевалар ҳажми ва вазнининг навга боғлиқ ҳолда ўзгарувчанлигида энг йирик меваси 2,9-3,0 г гача, умумий ҳосилдорлик энг юқори ҳосилдорлик Ядгор ва Гулноза навларида 76,4-75,7 ц/га да қайт этилди.

5. Олтинсимон қорағат навларининг меваларидаги куруқ модда Ядгор (13%), Узбекистанская курупноплодная (13%) ва Дўстлик (13%) навларида юқори эканлиги қайд этилди. Қанд моддасини юқорилиги бўйича Ядгор (12,3%), Ойдин (11,9%) навларида энг юқори эканлиги қайд этилди.

6. Олтинсимон қорағат навларида ўртача шўрланган тупроқ шароитида етиштиришганда Ядгор ва Гулноза наларида соф фойда эса 87268,9- 86022,0 минг сўмни, рентабеллик эса 61,5- 61,0% бўлди.

7. Олтинсимон қорағат кўчатларини кўпайтиришда экиш схемаси ва қаламча диаметри асосий омил бўлиб, тажрибада 70×10 см экиш схемаси ҳамда 5–6 мм диаметрдаги қаламчаларда кўкариш даражаси қолган вариантларга нисбатан энг юқори (77,4 %) ни қайд этилди.

8. 2023–2025-йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, олтинсимон қорағат кўчатларининг илдиз тизими ривожланишида экиш схемаси ва қаламча диаметри ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Тажрибада 5–6 мм диаметрдаги қаламчалар барча схемаларда энг яхши натижаларни кўрсатиб, жами илдиз узунлиги ва илдизлар сони бўйича назоратдан 105–107 % юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

9. Олтинсимон қорағат кўчатларининг ўсиш динамикаси экиш схемаси ва қаламча диаметри чамбарчас боғлиқ бўлиб, тажрибада энг юқори натижа 70×10 см схемада ва 5–6 мм диаметрдаги қаламчаларда қайд этилиб, вегетация охирига келиб 88,3 см гача ўсиш кузатилди.

10. Олтинсимон қорағат кўчатларининг илдиз тизими бўйича 70×10 см схемада ва 5–6 мм диаметрдаги экилган қаламчаларнинг жами илдиз узунлиги ва илдизлар сони бўйича назоратга нисбатан 5-7 % юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

11. Олтинсимон қорағат кўчатларини кўпайтиришда энг юқори самарадорлик 70×10 см экиш схемасида ва 5–6 мм диаметрдаги қаламчаларда кузатилиб, улар сифатли ва бозорбоп кўчатлар етиштирилиши билан ажралиб чиқди ҳамда 11009 донани, соф фойда 361676,3 минг сўм ёки рентабеллик даражаси 459,5 % ни ташкил қилди.

Олтинсимон қорағат навларидан боғ барпо қилувчи ва кўчат етиштирувчи хўжаликларига:

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқ шароитида мева сифат кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган олтинсимон қорағатнинг истиқболли: «Ядгор» ва «Гулноза» навларини экиш;

кўчат етиштириш учун олтинсимон қорағат навларининг бир йилик новдаларидан 5–6 мм диаметрда қаламчалар тайёрлаб, 70×10 см экиш схемаси бўйича экиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.08/25.27.12.Qx.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САДОВОДСТВА,
ВИНОГРАДАРСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМ. АКАДЕМИКА
МАХМУДА МИРЗАЕВА**

ИБРАГИМОВ БОБИР ТОХИРОВИЧ

**АГРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СМОРОДИНЫ
ЗОЛОТИСТОЙ (*Ribes aureum* Pursh) И ТЕХНОЛОГИЯ
ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ В УСЛОВИЯХ
СРЕДНЕЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.07 - Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за номером В2026.1.PhD/Qx1687 в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия им. академика Махмуд Мирзаева.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.tdau.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Абдуллаева Хилола Равшановна, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Кожаметов Советбек Кожаметович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Курбонмуродов Акбар Чориевич доктор философии по сельскохозяйственным наукам
Ведущая организация:	Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Защита диссертации состоится «20» мая 2026 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.08/2025.27.12.Qx.02.02 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Телефон (+99871) 260-48-00; факс (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Здание Информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета, 2-й этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под №556247). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Здание Информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета. Тел.: (+99871) 2605043.

Автореферат диссертации разослан «07» мая 2026 года.
(реестр протокола рассылки № 27 от 07 апреля 2026 года).

Ш.И.Асатов
Председатель научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.с.х.н., профессор

М.З.Холмуротов
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.с.х.н., доцент

С.А.Юнусов
Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Родиной смородины золотистой является Северная Америка, где во всем мире производится около 750 тысяч тонн валового урожая. По выращиванию смородины (*Ribes L.*) лидирует Российская Федерация, ежегодно производя 531 тыс. тонн, Польша - 130 тыс. тонн, Англия - 15 тыс. тонн, Франция - 13 тыс. тонн, Германия - 12 тыс. тонн. В Узбекистане выращивают около 2 тысяч тонн продукции"¹. Основной причиной этого является недостаток высокоурожайных и устойчивых к различным почвенным условиям сортов. Плоды смородины золотистой по своему сладкому вкусу, богатству витаминами и минералами, целебности при различных заболеваниях, а также по особой красоте и аромату цветов в период вегетации занимают особое место среди других ягодных по своей декоративности.

В мире, в частности в России, Польше и многих странах Европы широко проводятся целенаправленные научно-исследовательские работы в области выращивания смородины. В целях повышения эффективности этих исследований особое внимание уделяется созданию высокоурожайных сортов с богатым биохимическим составом, высокими товарными качествами плодов, адаптированных к средnezасоленным почвам и климатическим условиям с различной степенью засоления. Такие исследования позволяют получать урожай сорта смородины золотистой в условиях различных средnezасоленных средnezасоленных почв и выращивать высококачественные саженцы из черенков.

В Узбекистане проведены селекционные работы по созданию новых перспективных сортов смородины золотистой, исследования по устойчивости к засухе и холоду, а также по агротехнике выращивания. Однако недостаточно глубоких научных исследований по расширению садов и повышению урожайности и выращиванию качественных саженцев этого вида златоцветковой смородины в условиях средnezасоленных почв нашей страны. В Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы в качестве одной из приоритетных задач определено "...широкое внедрение рыночных принципов при закупке и реализации сельскохозяйственной продукции, развитие инфраструктуры контроля качества, стимулирование экспорта, создание благоприятной агробизнес-среды и цепочки добавленной стоимости, предусматривающей производство конкурентоспособных сельскохозяйственных и продовольственных товаров с высокой добавленной стоимостью на целевых международных рынках...». В связи с этим одной из актуальных задач является научно обоснованное внедрение технологии выращивания саженцев высококачественных, урожайных сортов смородины золотистой, устойчивых к средnezасоленным почвам, для увеличения объемов продовольственной продукции в сельском хозяйстве.

¹ <https://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

